



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
GIDROMETEOROLOGIYA
XIZMATI MARKAZI**

**Ўзгидромет
tizimida Жамоатчилик
кенгашини ташкил этиш
тўғрисида**

BUYRUQ

223-T-son 02-iyul 2021yil

Ўзгидромет тизимида амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш, жамоатчилик вакиллари, ОАВ билан тизим ходимлари ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, тизимда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, тизим фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсади, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузуридаги жамоат кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3837-сон қарорига мувофиқ Ўзгидромет тизимида амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчилик оммасига етказиш ҳамда жамоатчилик вакиллари билан самарали мулоқотни ташкил этиш мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низом 1-иловага:

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Матбуот котиби – Бош директорнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Асилходжаева) Жамоатчилик кенгаши (Хикматов) билан келишилган ҳолда ҳар ойда камида бир маротаба Ўзгидромет Марказий аппарати ва тизим ташкилотларида соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан муҳокамалар ўтказишни ташкил этсин.

4. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Фарзиддинов) мазкур буйруқни тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий гидрометеорология бошқармаларига маълумот ва ижро учун етказилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор



Ш. Ҳабибуллаев